

Бугунги кунда, **Ўзбекистон республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати референс маркази** таркибидаги синов лабораторияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, расмийлаштирилаётган хулосалар халқаро даражада тан олиншига эришиш мақсадида лабораторияларда халқаро усул (метод)ларни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

Хукуматимизнинг тегишли қарорига асосан аввало маҳсулот учун расмийлаштирилаётган гигиен хулоса фақатгина ўзимизда эмас, балки хорижий давлатларда тан олиншига эришишдир.

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш, айниқса, ички бозорни ҳимоялашда стандартларнинг ўрни катта. Йирик молиячилар Европа ҳамда Осиёнинг иқтисодиёти, хусусан ишлаб чиқариши ривожланган давлатларнинг маҳсулотлари бозори чаққон бўлишида, айти шу мамлакатлар экспорт салоҳияти ортишига тадбиркорга дастак бўлган маҳсулот стандартларининг халқаро даражада қабул қилинишидадир.

Ўзбекистон республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати лаборатория фаолияти бўйича ишлар натижаларининг хорижий мамлакатлар томонидан эътироф этилишини таъминлаш юзасидан миллий референс лабораторияларимизни босқичма босқич халқаро даражада аккредитациядан ўтказиш асосий мақсад қилиб олинди. Шунингдек санитария-гигиена, вирусология ва микробиология синов лабораторияларимиз озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичлари йўналишида “Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ташкилот ИЛАС МРА нинг тўлақонли аъзоси” Турк Аккредитация ташкилоти ТУРКАК дан халқаро аккредитациядан ўтди.

Натижада **Ўзбекистон республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати референс маркази лабораториялари** озиқ -овқат маҳсулотлари хавфсизлик синовини халқаро услублар бўйича амалга ошириш имкониятига, яъни лабораториялар томонидан олиб борилган синов натижаларини ИЛАС МРА аъзоси бўлган 100 дан ортиқ давлатларда халқаро даражада тан олиншига эришилди. Ушбу лабораторияларда халқаро услублар бўйича 2021-2022 йилларда синов ишларини амалга ошириш учун 21 та замонавий ускуна харид қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг, белгилаб олган мақсад ва вазифаларга эришиш учун ишимизни янгича асосда ташкил этиб, ҳар биримиз ўз жойимизда масъулиятни чуқур ҳис қилиб, қаттиқ иш олиб боришимиз керак, деган сўзлари биз учун дастуруламал бўлмоғи лозим. Аслида бу барча саъй-ҳаракатлар замирида бир мақсад-муддао мужассамдир, у ҳам бўлса республикамиз аҳолисига сифати кафолатланган маҳсулотлар етказиб бериш ва тадбиркорларимизнинг жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини олиб чиқишга кенг имкониятлар яратишдан иборатдир!

Шамсутдинова М.А.